

## Силаи раҳм ва уни кесиш ҳақида



08:15 / 23.08.2025 1148

«Силаи раҳм» таркибининг луғатдаги ва уламолар истилоҳидаги маъносини яхшилаб билиб олишдан бошлаганимиз мақсадга мувофиқ бўлади.

«Сила» сўзи араб тилида «қўшиш», «боғлаш», «жамлаш» ва «пайвандлаш» деган маъноларни англатади. Шунингдек, «моддий мукофот ва мол бериш», «интиҳосига етиш» ва «ҳижроннинг зидди» маъноларида ҳам ишлатилади.

Уламолар истилоҳида эса асосан силаи раҳм, яъни қариндошларга ва яқин кишиларга яхшилик қилишга «сила» дейилади.

«Раҳм» онанинг ҳомиласи турадиган бачадонидир. Бир бачадондан туғилганлар ва тарқалганларни араб тилида «арҳом», бизнинг тилимизда «қариндошлар» ёки аниқроғи, «қариндошлар» дейилади. Демак, «силаи раҳм» бирикмаси «қариндошлик алоқаларини боғлаш» деган маънони англатади.

Ҳанафий уламолардан Бадруддин Айний раҳматуллоҳи алайҳи имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ига ёзган шарҳи – «Умдатул Қорий» номли китобида силаи раҳмни қуйидагича таърифлайди:

«Сила насабдош қариндошларга ҳамда қуда-андаларга яхшилик қилишдан иборатдир. Бу уларга, гарчи узоқ бўлсалар ва ёмонлик қилсалар ҳам, лутф кўрсатиш, меҳрибонлик қилиш ва ҳолларидан хабар олиш билан бўлади».

Бу ерда қуда-андалар ҳам қариндошлар қаторида эканига алоҳида эътибор беришимиз керак. Бизда уларга қилинадиган яхшиликларни «силаи раҳм» деб тушуниш маъноси йўқ, бўлса ҳам, оз.

Қариндошлар маҳрам ва номаҳрамларга бўлинади.

Маҳрам қариндошлар уларнинг иккитасидан бири аёл, иккинчиси эркак деб фарз қилинса, ораларида никоҳ ҳаром бўладиган шахслардир. Мисол учун, ота-она, бобо-момолар, бола ва набиралар, ака-ука, опа-сингиллар, уларнинг ўғил-қизлари, амма-хола, амаки-тоғалар.

Номаҳрам қариндошлар уларнинг иккисидан бири аёл, иккинчиси эркак деб фарз қилинса, ораларида никоҳ ҳалол бўладиган шахслардир. Мисол учун, амма-холаларнинг ва амаки-тоғаларнинг қизлари.

Ҳанафий, моликий ва ҳанбалий мазҳабларида силаи раҳм фарз ва вожибдир.

Шофеъий мазҳабида ота-онага силаи раҳм қилиш вожиб, бошқа қариндошларга силаи раҳм қилиш суннат.

Силаи раҳмнинг фарзу вожиблигига далил:

Аллоҳ таоло Нисо сурасида шундай марҳамат қилади:

**«Номини ишлатиб бир-бирингиздан сўровда бўладиганингиз Аллоҳдан ва қариндошлик (алоқалари)дан қўрқинг» (1-оят).**

**«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 2-жуз.**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида чоп қилинган.